

## НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Хилола Ботиралиевна БАКИРОВА

Катта ўқитувчи

"Инглиз тили амалий таржима" кафедраси

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЛЕКСИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ НЕФИЛОЛОГИЧЕСКОГО ВУЗА

Хилола Ботиралиевна БАКИРОВА

Старший преподаватель

Кафедра практического перевода английского языка

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## THEORETICAL FOUNDATIONS OF LEXICAL COMPETENCE FORMATION OF NON-PHILOLOGICAL UNIVERSITY STUDENTS

Khilola Botiralieva BAKIROVA

Senior teacher

The Department of Practical Translation of English

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan [ms.khilola@bk.ru](mailto:ms.khilola@bk.ru)

UDC (УЎК, УДК): 303.4.02

### For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Бакирова Х.Б. Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларида лексик компетенцияни шакллантиришнинг назарий асослари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 160-179.

<https://doi.org/10.36078/1644415029>

**Received:** October 25, 2021

**Accepted:** December 17, 2021

**Published:** December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Мазкур мақолада нофилологик олий ўқув юртлари талабаларида лексик компетенцияни шакллантиришнинг назарий асослари таҳлил қилинган. Бунда терминологик маданият лексик компетенцияни шакллантиришда чет тил таълимининг бош мақсади сифатида илмий адабиётларда ўрганилиши: термин, терминология, терминологик компетенция, терминологик компетентлик, терминологик маданият тушунчаларининг илмий талқини назарий жиҳатдан ўрганилиб умумлаштирилган. Ҳар қандай соҳа мутахассисининг касбий тайёргарлиги даражасини белгилаб берувчи омиллардан бири бу чет тилда эркин мулоқотга кириша олишлигидир. Бўлажак мутахассисларни мулоқотга ўргатиш жараёнида коммуникатив компетенция шаклланади. Шу нуқтаи назардан, мақолада коммуникатив компетенциянинг компонентларидан бўлган лингвистик компетенция таркибига кирувчи лексик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда мазкур жараёндаги мутахассислик терминологиясининг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

**Калит сўзлар:** лексик компетенция; термин; терминология; терминологик компетенция; терминологик маданият; касбий тайёргарлик; коммуникатив компетенция; мутахассислик терминологияси.

**Аннотация.** В статье анализируются теоретические основы формирования лексической компетенции у студентов нефилологических вузов. При этом обращается внимание на изучение терминологической культуры в научной литературе как основной цели иноязычного образования в формировании лексической компетенции, а именно: на теоретическое осмысление понятий терминологии, терминологию, терминологическую компетенцию, терминологическую культуру. Одним из факторов, определяющих уровень профессиональной подготовки специалиста любой области, является умение свободно общаться на иностранном языке. В процессе обучения будущих специалистов общению формируется коммуникативная компетенция. В данном контексте рассматривается формирование и развитие лексической компетенции, входящей в состав лингвистической компетенции, являющейся одним из компонентов коммуникативной компетенции, а также роль и значение профессиональной терминологии в этом процессе.

**Ключевые слова:** лексическая компетентность; терминология; терминологическая компетентность; терминологическая культура; профессиональная подготовка; коммуникативная компетентность; специальная терминология.

**Abstract.** This article analyzes the theoretical foundations of the formation of lexical competence in students of non-philological universities. At the same time, it raises issues of terminological culture in the scientific literature as the primary goal of foreign language education in the formation of lexical competence, in particular theoretical interpretation of the concepts of terminology, terminological competence, terminological culture. One of the factors determining the level of professional training of a specialist in any field is the ability to communicate freely in a foreign language, the process in which the communicative competence is formed. The study discusses the role of professional terminology in the formation and development of lexical competence.

**Keywords:** lexical competence; terminology; terminological competence; terminological culture; professional training; communicative competence; specialty terminology.

**Кириш.** Маълумки, замонавий нофилологик олий таълим тамойилларига кўра, ўқув жараёнини умуммаданий ва касбий характерга эга бўлган ва маълум фаолият соҳаларида аҳамиятли бўлган компетенциялар мажмуаси асосида ташкил этишни назарда тутди. Ушбу базавий компетенциялар бўлажак мутахассислар касбий фаолиятининг тегишли йўналишларида муҳим рол ўйнайди. Олий таълим Давлат стандартлари (33) талабларига кўра маълум профессионал соҳада чет тилда нутқ фаолиятининг барча турларини ўзлаштириш назарда тутилади ва буни ижтимоий ва иқтисодий фанларни ўзлаштиришнинг мажбурий натижаси сифатида белгилайди. Ҳозирги замонавий шароитда талабалар олдида турган асосий вазифа касбга оид сўз бойликлари асосида нутқ фаолиятининг барча турларини ва профессионал мулоқот кўникмаларини ўзлаштиришдан иборатдир.

Университет битирувчисига қўйиладиган ушбу талаблар бўлажак мутахассис сифатида юқори даражадаги профессионал коммуникатив компетенцияни шакллантириш зарурати билан белгиланади, бу эса, ўз навбатида, чет тилдаги профессионал терминларни ўзлаштирашдан амалга оширилмайди. Чет тилда лексик компетенция касбий коммуникатив компетенциянинг лингвистик асосини ташкил этади. Уларни динамик бирлик

деб ҳам ҳисоблаш мумкин: лексик компетенция талабаларнинг коммуникатив фаолияти жараёнида шаклланади ва коммуникатив компетенция лексик компетенция ривожланиб бориши билан такомиллаштирилади, яъни уларнинг шаклланиши бир-бирига боғлиқдир.

Мулоқотга киришиш учун нафақат тилни билиш, балки уни психологик, маданий ва ижтимоий жараёнларда қўллаш била олишлик ҳам зарурдир (2).

Мутахассислик бўйича адабиётларни ўқиш ва таржима қилишга ўргатиш жараёнида терминология продуктив эмас, балки рецептив равишда ўзлаштирилади, диалогик имкониятлар чеклаб қўйилади, бўлажак мутахассисларнинг мулоқот имкониятлари чекланиб қолади.

Нутқий мулоқотни амалга ошириш жараёнида эса терминологияни ўрганиш нофилолог талабаларнинг чет тилда профессионал мулоқотни амалга ошириш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлган касбий йўналтирилган коммуникатив компетенцияни шаклланишини таъминлайди.

**Асосий қисм.** Мутахассисликка йўналтирилган чет тил ўқитувчиси ишининг самарадорлиги, унинг зарурий тил материални билишига, уни нутқда ишлата олиш қобилиятига, ушбу материални тушунтириш ва уни талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришишига, ўқитиш амалиёти бўйича, лингводидактика назарияси ва тарихи бўйича, терминологик ва умумий эрудициявий компетенциясига боғлиқ.

Касбий лексик компетенция — талабаларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ турли хил вазиятларда тегишли лексикани, унинг асосида шаклланган кўникма ва малакаларни, нутқий тажрибани қўллаш қобилиятини ифодаловчи яхлит тушунчадир. Лексик компонент коммуникатив компетенциянинг лингвистик қисми сифатида мулоқотнинг мақсадлари ва вазиятларига мос келадиган, чет тилда суҳбатдошни тушуниш ва сўзлашиш услубининг ўзига хос моделини яратиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

Бу эса, ўз навбатида, тилшуносликнинг асосий тушунчалари (услублари, турлари, матндаги жумлаларни боғлаш усуллари ва бошқалар), матнни таҳлил қилиш кўникмалари ва малакалари, муомала кўникмаларини, яъни мулоқотнинг турли соҳалари ва вазиятларида тўғри фойдалана олишга оид билимларни талаб этади (39). Коммуникатив компетенция — бу лингвистик компетенцияни нутқнинг турли шароитларида хулқ-атвор ва ижтимоий меъёрларга қўра ҳамда коммуникатив мақсадга мувофиқ ифода этилишидир (38).

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш жараёнида нутқ (коммуникатив) кўникмалари етакчи бўлиб, улар ўз навбатида нутқ фаолиятининг барча турлари экспрессив (ифода этиш) ва рецептив (қабул қилиш) кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

“Профессионал лексик компетенция — бу талабаларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ турли вазиятларда когнитив-нутқ тажрибасини ифодаловчи лексикани, унинг асосида шаклланган кўникма ва малакаларни қўллаш қобилиятини ифодаловчи яхлит тушунчадир” (30). Биз ўз ишимизда “профессионал лексика”ни кенгроқ маънода “мутахассислик тили лексикаси” сифатида ўрганамиз. Чунки бўлажак мутахассислар келажакдаги касбий фаолиятлари давомида нафақат профессионализмларга, балки тор мутахассисликка оид, умум-илмий терминларга, умум-истеъмолдаги лексик бирликларга ва хатто фразеологик бирликларга ҳам дуч келадилар.

Профессионал лексик компетенцияни ривожлантириш, бизнинг фикримизча, чет тилни мутахассислик тили сифатида ўзлаштиришни назарда тутаяди. Техника университетиде англиз тилини мутахассислик тили сифатида ўқитиш, биринчи навбатда, илмий матнлар билан ишлашга асосланган. Одатда, илмий матндаги сўзлар учта лексик гуруҳга ажратилади: умум-истеъмолдаги лексика, умум-илмий лексика ва тор мутахассисликка оид лексика.

Умум-истеъмолдаги лексика таркибидаги сўзларнинг ишлатилиш доираси маълум ҳудуд ёки фаолият тури билан чегараланмайди. У тилнинг лексик таркибининг асосини ташкил қилади. Умум-истеъмолдаги лексика жамият ҳаётининг турли соҳаларига оид кундалик, маданий, иқтисодий, сиёсий ҳодиса ва тушунчалар, объектларнинг номларини ўз ичига олади.

Умум-истеъмолдаги лексика ҳар қандай тил эгаси учун тушунарли бўлиб, турли соҳаларда, шу жумладан, илмий ва техника соҳасида ҳеч қандай чекловларсиз қўлланилади. Умум-истеъмолдаги чет тил лексикаси одатда талабалар томонидан ўқишнинг дастлабки босқичларида қониқарли даражада ўрганилади ва амалий машгулотларда қўшимча иш талаб қилинмайди, камдан-кам ҳолатларгина бундан мустасно.

Тор мутахассисликка оид терминология маълум меҳнат ёки фаолият соҳасининг умумий ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Мазкур терминология илмий ва техник билимларнинг барча соҳаларида қўлланилади. Тор мутахассисликка оид терминологиянинг ўзига хос хусусияти, улар асосан, турли хил тиллардан ўзлаштирилган бўлиб, уларни таржима қилишнинг энг кенг тарқалган усуллари транслитерация ва калкалашдир. Бу терминологиянинг халқаро характерини ифодалайди ва она тилиси инглиз тили бўлмаган талабалар томонидан инглиз тилидаги илмий-техник матнларни осон ўзлаштиришда ёрдам беради.

Тор мутахассисликка оид терминлар умум-истеъмолдаги лексика каби талабалар томонидан “маъноларининг конкретлиги ва талабалар онгида қўлаб ассоциациялар ўрнатиш имконияти туфайли” осон ўзлаштирилади (24, 20).

Умум-илмий терминлар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида учрайди ва деярли барча тил эгаларига таниш бўлганлиги учун бир қарашда тушунарли бўлиб туюлади, лекин инглиз тилини билмайдиган талабалар учун ўзлаштириш қийинроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, умум-илмий терминлар мавҳум маънога эга бўлиб, она тили билан шаклан ўхшашлик касб этади.

Бундан ташқари, инглиз тили ўқитувчиси талабанинг онгида вужудга келган лексик интерференцияга дуч келиши мумкин. Қачондир талаба томонидан техникага оид бўлмаган бошқа фан соҳаси орқали ўзлаштирилган терминнинг маъносини илмий ва техник матнда ишлатиладиган маънога ўтказишга тўғри келади ва бу ўз навбатида матннинг семантикасини етарли даражада идрок этишга ҳалақит беради. Профессионализм (мутахассислик термин)ларни ўзлаштириш бўлажак мутахассиснинг лексик компетенциясининг ажралмас қисмига айланмоғи лозим.

Профессионализм — бу мутахассислар кундалик ҳаётда ишлатадиган махсус сўзлардир. Н. М. Карпухина профессионализмни “иккинчи даражали маъно” «теневые обозначения» бўлиб, терминлар ва профессионал жаргонлар ўртасида турувчи қатламдир дея таърифлайди (19). Айтишимиз мумкинки, профессионализм — бу касбга оид махсус ҳодиса ва тушунчаларнинг “норасмий” номи бўлиб, профессионал жаргон деб ҳам аталади. Айни пайтда энг фаол ривожланаётган “профессионал” тил сифатида техника соҳаси ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассисларининг тили деб ҳисоблаш мумкин.

Шубҳасиз, профессионализмларнинг катта қисми талабалар касбий фаолиятини амалий бошлаганларида, иш жараёнида ва тажрибали мутахассислар билан мулоқот қилиш жараёнида ўзлаштирилади. Бу биз юқорида айтиб ўтган когнитив-нутқий жараённинг намоён бўлишидир. Аммо терминлар билан танишишнинг дастлабки босқичлари университетда ўқиш жараёнида содир бўлади. Ўргатилаётган матнлар таркибига профессионал сўзлар ва ибораларни киритиш бўлажак мутахассисга профессионал муҳитга тез мослашишга имкон беради.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида (ТДТУ) чет тилни ўқитиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда талабалар билимларни кундалик мулоқотнинг ижтимоий-маданий

ҳамда ўқув ва когнитив соҳаси доирасида ўргансалар, иккинчи босқичда профессионал мулоқот доирасида ўзлаштирадлар.

Техника университетида лексик компетенцияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Ўқитишнинг бу ўзига хос хусусияти, айниқса, профессионал соҳада, хорижий тилларда, эркин мулоқотни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада МДХ давлатлари олимлари О. В. Басова, Н. Д. Галсъкова, Н. И. Гез, Т. А. Дмитриенко, С. А. Ермолаева ва бошқалар иш олиб борганлар. Улар ўз ишларида талабаларнинг профессионал тил луғатининг шаклланишини ўрганганлар (8, 12, 14, 16).

Мазкур тадқиқот ишлар мақсади билан бир биридан фарқ қилсада, лекин барчасида ягона ғоя илгари сурилган, яъни чет тил лексик компетенцияси бу инсоннинг мулоқот қилиш қобилияти, салоҳияти бўлганлиги учун чет тилни ўзлаштиришда бутун тил ва тилнинг лексик жиҳати инсонлар ва улар атрофидаги дунё ўртасидаги ўзаро алоқа орқали содир бўлиши керак. Лексик компетенцияни шакллантиришда тадқиқотчилар диққатини, бўлажак мутахассиснинг келгуси касбий фаолиятлари контекстини ҳисобга олган ҳолда, лексик воситаларни танлашга ва шу контекстга мувофиқ келувчи вазиятларга қаратадилар.

Техника олий ўқув юрглари талабаларини ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири бу янги лексик бирликларнинг маъноси ва шаклини ўзлаштириш, шунингдек, уларни турли хилдаги нутқ фаолияти ва мулоқот шароитларида фаол ишлатиш қобилиятларини шакллантиришдан иборатдир.

Мутахассислик лексикасини билиш нафақат тилни юқори даражада билишни кўрсатади, балки амалий касбий фаолиятда ундан фойдаланиш қобилияти, мутахассиснинг рақобатбардошлигини, унинг профессионал ҳаракатчанлигини (мобильность), ташаббускорлигини ва ижтимоий мослашув (адаптаци) ва ўзини ўзи англаш муваффақиятини оширади (1).

Касбий йўналтирилган таълимнинг моҳияти Ж. Н. Макушева ва М. Б. Ковалеваларнинг таъкидлашича, шахснинг касбий аҳамиятга эга бўлган фазилатларни шакллантириш учун мутахассислик фанлари билан интеграциясида намоён бўлади, бунда чет тил — талабаларнинг касбий малакасини ошириш ва шахсий ҳамда касбий ривожланиш воситаси сифатида қаралиши мумкин (22).

Ўқув жараёнида лексикани ўргатиш ва уни ўзлаштиришни оптималлаштириш алоҳида ўрин тутди. Замонавий профессионал (техник, юридик, иқтисодий) тилда кўплаб кўп маъноли ва кўшма сўзлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча соҳавий терминология ёки умум-техник маънога эга сўзлар, шунингдек, аниқловчи бирикмалардан (атрибутивных сочетаний) иборат бўлади.

Илмий-оммабоп матнларда бундай лингвистик ҳодисалар мавжудлиги сабабли ўқувчиларда тегишли лексик кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур. Талабалар касбий йўналтирилган лексикани фақат матнларда танибгина қолмай, балки уларнинг изоҳини англамоқликлари, келажакда оғзаки ва ёзма мулоқотда фойдаланишлари учун етарли даражада ўзлаштиришлари лозим.

Хар қандай мутахассис ўз касби доирасида албатта бошқалар билан ўзаро мулоқотга киришади, маълумот алмашинади. Бундай жараёнда, яъни мулоқот касбий доирада асосий фаолият сифатида аҳамият касб этса, коммуникатив компетенция таълимнинг асосини ташкил қилади.

Касбий мулоқот жараёнида мутахассиснинг чет тилда касбга доир ҳужжатлар билан ишлаши, бошқа шахслар билан ахборот алмашиниши, ўз фикрини омма олдида эркин ифода эта олиши, бошқарувчилик қобилияти, режалаштириш ва қарорлар қабул қилишда ташаббускорлиги ҳаммаси унинг коммуникатив компетенцияси даражасини белгилаб беради (7).

Замонавий коммуникация нуқтаи назаридан мулоқот жараёнидаги асосий нарса бу икки суҳбатдошнинг мулоқот мақсадини ифода эта олиши ва бу мақсадга етишиши назарда тутилади.

Лекин иш тажрибамиздан шу нарса маълум булдики, аксарият мутахассисларимиз касбий мулоқот жараёнида кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бунинг асосий сабаби уларнинг иш юзасидан олиб бориладиган музокара ва суҳбатларнинг қонун қоидаларини, муомала маданиятини ва энг асосийси сохага доир терминларни етарли даражада билмасликларидир. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг лексик компетенциясининг яхши ривожланмаганлиги аломатидир.

Лексик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибига кирувчи компетенция тури ҳисобланади. Коммуникатив компетенция бу эгалланган билим, малака ва кўникмалар натижаси бўлиб, у талабанинг маиший ва касбга йўналтирилган мулоқотларни амалга ошира олишлик қобилияти ва тайёргарлиги даражасини ифода этади (25).

Методист ва социолингвист олимларнинг фикрича, коммуникатив компетенция бу туғма истеъдод эмас, балки инсоннинг ижтимоий жараён билан ўзаро алоқаси натижасида йиғиладиган ижтимоий коммуникатив тажриба, иқтидор, имконият ва билимлар мажмуасидир (9, 5).

Коммуникатив компетенция компонентлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ҳатто уларнинг бир-бирдан фарқлаш жуда қийиндир. Коммуникатив компетенция компонентлари бўйича тўлиқ маълумот бериш бизнинг тадқиқот ишимиз доирасига кирмайди, шунинг учун унинг асосий компонентларидан бўлган, лингвистик компетенция ҳақида бир оз тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Лингвистик компетенция — деярли барча тадқиқотчи олимлар томонидан тан олинган термин бўлиб, ўз ичига тилнинг ички тизимини; маълум лингвистик бирлашма таркибида тилдан фойдаланишнинг ижтимоий қоидалари; фикр юритишнинг дискурсив қоидаларини (3) қамраб олади. Лекин кўпчилик олимлар лингвистик компетенцияни тилнинг мазкур тилда идрок қила олиш ва фикрлай олиш имкониятини берувчи фонетик, лексик, грамматик ва моделларини ўзлаштириш деб таърифлашади (4).

Тил мулоқотнинг асосий воситаси ҳисобланар экан, лингвистик компетенция чет тилни ўқитишда муҳим ўрин тутади.

**Лексик компетенция** — ўқувчиларнинг сўзнинг контекстуал маъносини аниқлаш, унинг икки тилдаги маъно ҳажмини солиштириш ҳамда сўзни тегишли контекстда қўллаш қобилиятини белгиловчи лексик билим, кўникма ва малакалар йиғиндисидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, лексик компетенция бу ўқувчиларнинг лексикани ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатларни ташкил қилиш, яъни лексик бирлиكنинг маъноси, график дизайни ва талаффузини, сўзнинг грамматик шакллари ва қоидаларини, бошқа лексик бирликлар билан бирикиши кабиларни билишни ўз ичига олади. Мазкур таърифга кўра, “лексик компетенция” тушунчаси, агар у фақат лексик билим, кўникма ва малакаларни қамраб оладиган бўлса, уни тўлиқ деб айта олмаймиз. Чунки лексик компетенция мураккаб тузилма бўлганлиги сабабли ўқувчиларнинг тил, нутқ тажрибаси ва шахсий фазилатларини ҳам ўз ичига қамраб олмоғи лозим (27).

Лексик компетенция — бу ўқувчининг контекстдаги сўзнинг маъносини аниқлаш, сўзни оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш олиш қобилиятидир. Шунини таъкидлаш керакки, лексик компетенция ўрганилаётган тил тизими ва меъёрлари ҳақидаги билимларни ҳам ўз ичига олади, уларнинг кейинчалик амалиётда, яъни нутқда қўлланилишини ҳам таъминлайди. Лексик компетенция замирида лексик малака ва кўникмалар ётади. Лексик малака ва кўникмалар сўзни тилнинг энг муҳим бирлиги сифатида билиш, унинг шакллари, маънолари ва қўлланилиши ўз ичига олади. Е. Н. Соловова лексик малака ва кўникмаларни қуйидагича таърифлайди:

1. Маълум бир нутқ вазифасига қараб хотирада турган сўзни дарҳол эслаш олиш қобилияти.

2. Уни нутқ занжирига киритиш (28, 88).

Лексик компетенция қуйидаги: мотивацион, когнитив, фаол-амалий (деятельностно-практический) ва рефлексив каби таркибий қисмларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнида когнитив асос:

- тил бирликларини муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради;
- фикрни ўрганилаётган тилда баён қилишга имкон беради;
- коммуникация жараёнларида бошқа иштирокчиларнинг фикрларини

тўғри идрок этиш ва баҳолаш имконини беради (37).

Чет тилда лексик компетенцияни шакллантириш ўқувчиларнинг тил ўрганиш сифатини оширишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Лексик компонент нутқ фаолиятининг ҳам экспрессив, ҳам рецептив турларининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар ўқувчилар мутахассисликка оид лексик материални ўзлаштирган бўлса ёки бундан ҳам муҳими, ўзлаштиришни ўрганган бўлса ва ундан турли касбий вазиятларида фойдалана олса, демак, ишонч билан айтишимиз мумкинки, ўқувчилар нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича ҳам лексик билимларни, ҳам кўникмаларни эгаллаганлар. Тилга йўналтирилмаган олий таълим муассасалари талабаларида лексик компетенцияни шакллантиришнинг юқори даражасига эришиш учун ўқув жараёни мобайнида уни шакллантиришнинг тегишли босқичлари кетма-кетлигини таъминлаш ва уни ташкил этиш бўйича ишларни амалга ошириш зарур. Бунда ўрганилаётган лексик материалнинг лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган мутахассислик фанлари аро алоқалар асосида ўзлаштириш, шунингдек, ўқувчиларнинг билиш, нутқий фикрлаш ва тарбиявий фаолиятини ҳисобга олиш зарур (29).

Олимларнинг юқоридаги фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, лексик компетенция – тилнинг луғат таркибини, шу жумладан, лексик бирликларни билиш ва улардан нутқда фойдалана олиш қобилиятидир. Лексик бирликларга сўзлар, сўз бирикмалари, термин ва терминологик бирикмалар, турғун бирикмалар, фразеологик бирикларни киритишимиз мумкин.

Шунингдек, лексик компетенция деганда шахснинг лексик билим, кўникма, малака, лингвистик ва нутқий тажрибаси ёрдамида сўзнинг контекстуал маъносини аниқлаш, сўзнинг икки тилдаги маъно ҳажмини солиштириш, тузилишини тушуниш қобилияти тушунилади. Бунга қўшимча сифатида ўқувчи сўзнинг маъносидаги ўзига хос миллийликни англай олиш қобилияти ҳам тушунилади.

Лексик билимлар нутқ фаолиятининг барча турларини муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлайди. Лексик билим деганда нафақат чет тилдаги сўз ҳақидаги лингвистик маълумотлар тўплами, балки сўз билан ишлаш ҳақидаги маълум билимлар ҳам тушунилади.

Лексик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришда мутахассислик терминологиясининг ўрни бекиёсдир. Мутахассисликка оид адабиётлар профессионал лексиканинг асоси сифатида хизмат қилади ва талабалар томонидан маълум мутахассислик доирасидаги ўзлаштириши лозим бўлган терминларни белгилаб беради.

Мутахассислик терминологияси ҳар қандай билим соҳасидаги тилнинг лексик ядросини ташкил қилади. Шу боис методистлар мутахассислик терминологиясини ўрганишни бўлажак мутахассисларнинг касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг асоси сифатида, тилга йўналтирилмаган олий таълим муассасаларида чет тилни ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қарайдилар. Бунга кўра талабаларнинг амалиётда ўз касбий соҳаларига оид чет тилдаги терминологияни муваффақиятли ўзлаштиришларини таъминловчи янги методикани ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Хозирги пайтдаги чет тилни ўқитишдаги замонавий компетент ёндашув доирасида терминологияни ўргатиш, аввало, чет тилда касбий мулоқотга киришишга йўналтирилган лексик малакаларни шакллантиришга қаратилиши лозим. Нутқий малака ва кўникмаларни шакллантириш масаласи чет тил ўқитиш методикасининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланадики, айнан

улар чет тилда коммуникатив компетенцияни шаклланганлик даражаси ҳамда чет тилни мулоқот тили сифатида фойдаланишга қай даражада тайёр эканлик даражасини белгилаб беради. Нутқ малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш қўплаб олимларнинг диққат марказида бўлган масала бўлишига қарамай ҳали-ҳануз баъзи муаммолар ўз ечимини топмаган. Бу эса ўз навбатида касбга йўналтирилган чет тилни ўқитишда касбий лексик малака ва кўникмаларни ривожлантириш методикасини ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Биз мазкур ишимизда мақсад қилиб олган соҳавий терминлар асосида лексик компетенцияни ривожлантириш масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, лексик компетенцияни ривожлантиришда соҳавий терминлар жуда катта илмий аҳамиятга эга. Табиат ёки жамиятдаги у ёки бу ҳодисани аниқ идрок қилиш учун унинг номини, яъни терминни аниқ билишни талаб этади. Терминларни тўғри талқин қилиш бизга у ёки бу махсус билим соҳаларига чуқурроқ кириб боришга ёрдам берса, терминларни нотўғри талқин қилиш ёки терминларни ноўрин ишлатиш эса бизни фақат илмдан узоқлаштиради, илмга кириш йўлларини ёпиб қўяди.

Терминлар касбий мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, терминларсиз профессионал мавзуларда на ўқишга ва на гапиришга ўргатиб бўлмайди. Терминларни билишлик уларни нутқда қўллаш олишлик ҳозирги замонавий мутахассисларнинг касбий тайёргарликларининг қай даражада эканлигини белгилаб беради. Ҳар қандай сўз термин бўлавермайди. Шунинг учун термин ва унинг чегарасини аниқлаб олиш лозим. Шу ўринда “термин”, “терминология”, “терминологик маданият”, “терминологик компетентлик”, “терминологик компетенция” тушунчалари билан боғлиқ масалаларга, уларнинг шаклланиши ва тараққиёт этиши кабиларга эътибор қаратмоқчимиз.

Термин масаласи дунёда XX аср ўрталарида олимлар муҳокамаларининг диққат марказидан жой ола бошлади. Ҳозирга келиб терминнинг асл моҳияти унинг сўз ва тушунчадан фарқи аниқ шакллантирилиб бўлинган.

Сўз ва тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Сўз тушунчани ифода этиш шаклидир. Тушунча инсон онгида сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида шаклланади, ифода этилади ва мустахкамланади. Объект нутқда сўз орқали ифода этилса, тафаккур доирасида тушунча орқали ўз ифодасини топади. Термин ҳам тушунчанинг бир кўриниши ҳисобланади. Терминнинг асосий хусусияти, бирор-бир аниқ нарса ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлишидир. Термин илмий тилда мавжуд бўлиб, ҳар қандай касбий нутқнинг асосини ташкил этади. Термин (лот. *Terminus* – чегара, лимит) – тил белгиси (сўз ва сўз бирикма), махсус тушунча, ҳодиса ёки предмет билан боғлиқ бўлган, контекстдан ташқарида олинганда ҳам аниқ бир маъно ифодаладиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз бирикмасидир (11).

Терминни изоҳлаш учун қуйидаги семантик ва лингвистик талабларни аниқлаш лозим бўлади: аниқлик, ноаниқликдан қочиб, ўзи ифодаладиган тушунчага мутаносиблик, изчиллик, таърифда қарама-қарши хусусиятларни мавжудлигини истисно қилиш, ихчамлик, лисоний меъёрларга мос келиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

З. И. Комарованинг фикрича, терминга ўхшаган бошқа бирор-бир кўп мантиқли ёки ноаниқ бўлган бирлик фанда йўқки, ҳали-ҳануз терминнинг умумэтироф этган яхлит таърифи қабул қилинмаган (20).

Савенкованинг ёзишича, термин тушунчасига берилган таърифларнинг ҳеч бири унинг асл моҳиятини очиб бера олмайди. Илмий изланувчилар терминни ўз тадқиқот ишлари доирасига мос келувчи тайёр таъриф (дефиниция) лар асосида иш кўрадилар (26, 36). Лингвист В. Лейчикнинг (21) ёзишича, аксарият таърифларнинг қониқарли эмаслиги терминнинг турли белгиларини ҳар хил фанлар тадқиқотларига таянган ҳолда бирлаштиришга интилиш билан боғлиқ, чунки термин фалсафа, мантик, информатика, лингвистика ва бошқа фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади ва ҳар бир



фан терминда унинг нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган белгиларни ажратиб кўрсатишга интилади. Шу маънода умумэтироф этган таърифнинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳар бир тадқиқотчи ўзининг ишчи таърифини ва изоҳини қайд этмоқда (5). "... Терминологиянинг муҳим ва бош масаласи ҳисобланган терминнинг таърифи борасида ягона қараш ҳозирги кунда мавжуд эмас экан, мазкур масала ўз долзарблигини йўқотмайди" (6, 23).

Биз терминология соҳасига оид илмий тадқиқот ишларни ўрганганимизда термин ва терминология тушунчаларининг назарий ва амалий хусусиятлари етарлича тадқиқ этилганига гувоҳ бўлдик ҳамда мазкур масалаларни такрорламаслик мақсадида ОТМнинг термин ҳақидаги илгари сурган фикрларини жамлашга ва умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Булар "Термин тушунчасига берилган изоҳлар таҳлили" номли 1 - жадвалда акс эттирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқотчилар турли даврларда термин тушунчасига турлича таъриф берганлар. Биз мазкур тадқиқот ишимизда О.С. Аҳмедов ва Г.К. Эргашеваларнинг тадқиқот ишларида илгари сурилган термин ҳақидаги назарияга асосан терминни семантик нуқтаи назардан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага доир тушунчани ифодаловчи лексик бирлик сифатида изоҳлашни лозим деб топдик (6, 23; 40, 12).

Демак юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, **термин** — бу махсус билим ёки фаолият соҳасига оид тушунчани билдирувчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Термин тилнинг умумий лексик таркибига маълум бир терминологик тизим (терминология) орқали киритилган бўлиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: 1) тизимлилик (системность); 2) изоҳ (дефиниция)нинг мавжудлиги; 3) бир маънолилик; 4) экспрессивлик ва эмоционалликдан холилик; 5) нейтраллик. Термин мазкур хусусиятларининг барчасини маълум бир терминологик майдон доирасида ўз аксини топади, ундан ташқарида эса терминнинг аниқлик ва тизимлилик хусусиятлари йўқолади.

Терминология терминларни ўрганувчи соҳа сифатида адабий тилнинг ост тизими (подсистема), мутахассисликка оид билим ва фаолиятнинг махсус соҳаларига оид семантик маъно ва конкрет реалия<sup>1</sup>ларни ифода этувчи сўз ва сўз бирикмаларининг тузилмаси бўлиб, у мазкур тузилмани тўлдиришга хизмат қилади ва ундан ажралган ҳолда мавжуд ҳам эмас (32, 305).

Замонавий касбга йўналтирилган таълимнинг вазифаларидан бири шу касб тилини ўзлаштиришдир. Талабани мутахассис сифатида шакллантиришда терминология бир нечта вазифаларни бажаради ва бу бир нечта босқичларга бўлинади. Касбий тайёргарлик босқичи — бунда терминология билим манбаи ва касбий тажрибани эгаллаш воситаси сифатида намоён бўлса, касбий фаолият даврида касбий мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади, уни тўлдириш ва янгиллаш орқали эса мутахассис касбий ўсишининг назарий асоси вазифасини бажаради.

Биз илмий тадқиқотимиз жараёнида терминология махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг мажмуи сифатида ҳамда терминлар ва уларнинг тузилиши, тилда ишлатилиш қонуниятларини ўрганувчи соҳа сифатида кўплаб илмий ишларнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлигига гувоҳ бўлдик. Термин ва терминология тушунчаларига етарлича изоҳлар келтирилганлигини инобатга олиб ва уларни такрорламаслик мақсадида эътиборимизни **терминологик компетенция, терминологик компетентлик ва терминологик маданият** тушунчаларига қаратмоқчимиз.

---

<sup>1</sup> Реалия — бу моддий маданият объектлари ёки ходисаларни, этник-миллий хусусиятларни, урф одатларни, маъросимларни, шунингдек тарихий фактларни ёки жараёнларни билдирувчи ва одатда бошқа тилларда лексик эквивалентларига эга бўлмаган лексема. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Реалия>

Чет тилни ўрганаётганда талабаларнинг касбий тайёргарлиги учун зарур шартлардан бири бу талабаларнинг билим соҳасига оид **терминологик компетентлик**ни, яъни уларнинг касбий фаолиятига йўналтирилган фанларни ўрганиш жараёнида намоён бўладиган лаёқатни шакллантиришдир. Биз “терминологик компетентлик” тушунчасини нафақат касбий мақсадларга эришиш учун етарли бўлган билим, кўникма, тажриба даражаси, балки шахснинг ижтимоий ва ахлоқий сифатларини акс эттирувчи ҳамда талабаларнинг ишбилармонлик ва шахсий фазилатларининг ажралмас қисми сифатида тушунамиз <sup>2</sup>.

Демак, лексик компетенцияни шакллантиришда терминологик компетентлик муҳим ўрин тутди ва у профессионал компетенциянинг асосий қисми сифатида ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- терминларни тўғри танлаб, терминологик нутқни яратиш;
- касбга оид матнларни тўғри тушуниш, ҳамда нутқда ифода этиш;
- чет эллик мутахассисларнинг нутқини профессионаллик билан талқин қилиш.

Маълум бир билим соҳасига оид терминологияни ўзлаштириш ўқув жараёнидаги ўқув материални ўзлаштириш сифатининг кўрсаткичи бўлиб, у мутахассисларнинг ўзаро мулоқоти жараёнида фаол фойдаланишга, тажриба алмашилишга ва ҳамкорлик қилишларида ўзаро бир-бирларини тушунишга ёрдам беради. Ҳозирги замонавий жамиятда касбий фаолият учун терминологик саводхонлик жуда ҳам зарур. Бу эса касбий ривожланишнинг турли босқичларида терминологик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш масаласининг қанчалик долзарб эканлигини асослаб беради.

“Терминологик компетентлик”нинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш жараёнида, компетент ёндашувнинг асосий категориялари бўлган “компетентлик” ва “компетенция” терминларининг таърифларига мурожаат қилмаслик мумкин эмас. Илмий-педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу терминларда маъно, мазмун ва мантикий жihatдан яқинлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги борасида турли назариялар илгари сурилган.

Масалан О. Н. Грибан “компетенция” ва “компетентлик” терминларига таъриф беришда иккита ёндашувга асосланади (13):

— шахсга оид (личный) ёндашувда “компетенция”ни шахсий сифатлар: билим, кўникма, малака ва фаолият усуллари мажмуаси сифатида; “компетентлик”ни эса маълум компетенцияларга эга бўлишлик сифатида талқин этади (18, 31, 34);

— фаолиятга оид (деятельностный) ёндашувда, “компетенция” ни мутахассиснинг турли хилдаги фаолиятларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида талқин қилинса, “компетентлик” ни шу фаолиятга киришиш қобилияти ва тайёргарлиги орқали намоён бўлувчи шахс умумий сифатларининг интеграцияси сифатида изоҳлайди (17).

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларининг қўлами ва мазмуни А. В. Хуторской томонидан аниқ қилиб чегараланиб берилди. Унинг назариясига кўра, “компетенция” инсоннинг маълум бир соҳада самарали ва унумли фаолият юритиши учун зарур бўлган билим, ижтимоий талаб (меъёр) вазифасини бажаради. Компетентлик эса шахснинг маълум бир компетенцияга эга бўлишлигидир. Бунда шахснинг фаолиятга бўлган шахсий муносабати ҳам қамраб олинади (36). Яъни компетентлик — бу шахснинг аллақачон эга бўлган сифатлари (фазилатлар тўплами) ва маълум бир соҳадаги фаолиятининг минимал тажрибасидир (35, 58).

---

<sup>2</sup>Барахоева Ж.М. Лингвистическая технология формирования терминологической компетентности у студентов педагогического факультета // Современные проблемы науки и образования. — 2016. — № 2. — URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?idк24298>. 6 б.].

Замонавий адабиётларни таҳлил қилганимизда, терминологик ёки концептуал компетентлик ҳақида қуйидагича таърифлар келтирилганини гувоҳи бўлдик:

— маълум бир фаолият соҳасига оид самарали қарорлар қабул қилишга имкон берадиган махсус билимларни ташкил этиш тури;

— мустақил компетентлик тури, чунки бу шахснинг терминологик имконияти (потенциал) нинг ажралмас қисми;

— ахборот компетенциясининг таркибий қисми, чунки терминологияни ўзлаштириш мулоқот сифатини оширишнинг энг муҳим шартидир;

— касбий компетенциянинг таркибий қисми, чунки касбий терминологияни ривожлантириш профессионал аҳамиятга эга бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг зарурий шarti ҳисобланади (11);

— касбий фаолиятнинг моҳиятини ташкил этувчи вазифаларни ҳал қилишга имкон берадиган билим, кўникма, қобилият ва шахсий фазилатларнинг намоён бўлиши;

— инсон билимларини маълум бир вазиятда сафарбар этиш қобилияти ва тажрибасидир.

Юқоридагиларга кўра, “компетентлик” барча турларга нисбатан умумий тушунча сифатида ифодаланади, биз мазкур тушунчани вазият-фаолият категорияси (ситуативно-деятельностная категория) га асосан кўриб чиқамиз. Мазкур шароитда “компетентлик” нафақат билим, қобилият, кўникма ва шахсий фазилатлар тўплами, балки уларни муайян вазиятда ишлатиш қобилияти ҳамдир.

Терминологик компетентликни мустақил тур сифатида ажратиш зарурати, авваламбор, касбий фаолиятнинг назарий ва амалий таркибий қисмларини бирлаштиришга имкон берувчи асосга эга бўлишни тақозо этади. Терминологик компетентлик касбий фаолиятда энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз уни кенгроқ маънода, яъни лексик компетенциянинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқишни лозим деб топдик.

Терминларни билиш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ишлатиш қобилияти замонавий мутахассиснинг касбий тайёргарлигининг энг муҳим таркибий қисмидир. Шундай қилиб, мутахассиснинг терминологик компетентлиги деганда биз касбий масалаларни ҳал қилишда ва профессионал мулоқот жараёнида терминологияни тўғри қўллаш қобилияти ва тайёргарлигини тушунамиз.

Соҳавий билим ва мутахассислик терминларидан тўғри фойдаланишга асосланган касбий мулоқот, маълумотни тўғри англашга, касбий тажриба алмашинуви кўламини кенгайтиришга ҳисса қўшади, шунингдек, касб-хунар таълими сифатининг ижтимоий ва касбий тажрибаси даражасини оширади. Ушбу келтирилган сабаблардан шундай ҳулосага келиш мумкинки, мутахассиснинг терминологик компетентликка эга бўлиши ва уни ривожлантириши орқали “мутахассиснинг терминологик маданияти” касбий таълим назарияси ва амалиётида янги йўналиш сифатида юзага келишига сабаб бўлди.

Замонавий терминшуносликда **терминологик маданият** масаласи мунозарали масаладир. Нутқнинг терминологик маданияти деганда биз сўзлашувда терминлардан фойдаланиш маданиятини тушунамиз, бу эса илмий тафаккурни ривожлантириш учун жуда муҳимдир ва у ёки бу махсус соҳага чуқурроқ кириб боришимизга ёрдам беради (23, 123).

Ўқув ва илмий алоқалар жараёнида терминология ва терминологик маданият, айниқса, муҳим рол ўйнайди. “Агар терминлар онгли равишда диққат билан шуғулланилмаса, олимлар охир-оқибат бир-бирларини тушунишдан тўхтайдилар” (10).

Олимлар терминологик маданиятга турлича таъриф берадилар. Бу қуйида “терминологик маданият” тушунчасига берилган таърифлар” номли 1-жадвалда ўз аксини топган.

Шунингдек терминологик маданият ҳақида Ж. Е. Ермолаева ўзининг мақоласида яна ҳам аниқроқ таъриф келтирган (15). Олим терминологик маданиятнинг ривожланишини босқичма-босқич ажратиб беради. Бу қуйидаги кўринишда акс этади: терминологик хабардорлик → терминологик билимдонлик → терминологик саводхонлик → терминологик компетентлик → терминологик маданият. Терминологик маданиятнинг ривожланиши ва шаклланиши энг қуйи босқич терминологик хабардорлик билан бошланиб энг юқори босқич терминологик маданиятнинг шаклланиши билан якунланмоқда. Демак, терминологик маданият энг юқори даража бўлиб, у чет тил дарсларда босқичма-босқич шакллантириб борилади.

**Хулоса.** Бир қатор олимлар компетенцияни субъектнинг фаолият юритишидаги ҳуқуқлари асосини ташкил қилади дейишса, яна баъзилари компетентликни юзага келиши, ривожланиш воситаси ва шароити сифатида талқин этишади. Чет тил ўқитиш бўйича назарий ва илмий-методик адабиётларда компетенция ва компетентлик тушунчалари синоним категориялар сифатида кўрилади.

Демак, юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, **“компетенция”** инсоннинг маълум бир соҳада фаолият юритиши учун зарур бўлган билимлар мажмуаси, **“компетентлик”** эса шу компетенцияга эга бўлишлигидир. Бу икки компетенция ва компетентлик тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар деб айта олишимиз мумкин.

Бўлажак мутахассисларнинг терминологик маданияти дейилганда, соҳавий терминларни тўлақонли билиш ва тушуниш, аниқ терминологик билимлар, малака ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни оғзаки ва ёзма мулоқот фаолиятида қўллай олишлик каби билимларга, яъни терминологик компетентликка эга бўлган юқори даражадаги касбий тайёргарлик / профессионал маҳорат даражаси тушунилади. Демак, терминологик компетенция, терминологик компетентлик ва терминологик маданият тушунчалари ҳар қандай соҳа мутахассисининг касбий тайёргарлик даражасини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардир.

*Илова.*

**1-жадвал.**

**Термин тушунчасига берилган изоҳлар таҳлили**

№	Термин тушунчасига берилган изоҳлар	Тадқиқотчилар
1.	Термин тил белгиси (сўз бирикмаси, қўшма сўз, алоҳида символли сўз бирикмаси ва ҳ.к.) бўлиб, билимнинг қайсидир соҳасига оид тушунчани ифодалайди ва фойдаланувчилар томонидан онгли равишда танланган дефиниция (изоҳ)га эга бўлади.	С.Д. Шелов
2.	Термин махсус вокабулар таркибига киргани учун тўлақонли сўз (полноценное слово) бўла олмайди, тўлақонли сўз бўлиши учун термин сифатида эмас, балки умумистеъмолдаги (общеупотребительная) сўз сифатида ишлатилиши, яъни детерминланиши лозим.	White R.G.
3.	Термин махсус сўз эмас, балки махсус вазифадаги сўздир. Термин ҳар қандай сўз бўла олиши мумкин, бунда сўз иккита вазифа бажаради: — умумистеъмолдаги термин (бытовой термин) сифатида предметнинг аниқ бир маъносини ифода этади; — илмий техник термин (научно-технический термин) аниқ бир тушунчани ифода этади.	Винокур Г.О.
4.	Термин семантик жиҳатдан умумий маънодош сўз ёки сўз бирикмаларидир. Термин бу махсус (илмий, техник ва ҳоказо) тилнинг сўзи ёки сўз бирикмаси бўлиб, махсус предметларни аниқ ифодалаш учун шакллантирилади (қабул қилинади, ўзлаштирилади).	Ахманова О.С.
5.	Термин маълум бир фан ёки техника соҳасидаги тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, унинг маъноси контекстга кўра ифодаланadi.	Кулебакин В.С., Климовицкий Я.А

6.	Термин бирон-бир илмий ва технологик тушунчанинг номланиши бўлиб, маълум бир мутахассислик доирасида ишлатилувчи, ўз изохи (дефиниция)га эга бўлган сўз ва сўз бирикмасидир. Терминлар – луғат таркибининг бир қисми ҳисобланиб, фан ва соҳалар предметининг аниқловчисидир.	Даниленко В.П.
7.	Термин бу профессионал мулоқотда фойдаланиладиган махсус вокабуляр таркибига кирувчи сўз ёки сўз бирикмадир.	Wüster E.
8.	Термин – бу муайян касбий профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда ишлатиладиган махсус сўздир. Термин мантикий маънода объектнинг бирор-бир хусусиятини характерловчи сўз ёки сўз бирикмаси бўлиши мумкин.	Суперанская А.В.
9.	Термин тегишли тушунчалар тизимидаги ўз аҳамиятини аниқлаш учун дефиниция талаб қиладиган сўз ёки лексикаллаштирилган сўз бирикмасидир. Илмий термин (научный термин) нинг маъноси (терминологик маъно) илмий тушунчани ифодаловчи белгиларни ўзида мужассамлаштиради ва бу ҳолат мазкур терминни профессионал терминлардан ажратиб туради.	Канделаки Т.Л., Сифоров В.И.
10.	Термин у ёки бу касбий фаолиятдаги махсус нарса ёки ходисаларни ифодалаш учун онгли равишда яратилган ёки танланган сўз ёки сўз бирикмасидир.	Новохатняя К. В.
11.	Термин қонунлар ва шартномаларда келтирилган тушунчаларни ёки реалаяларни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир.	Феонова Л.А.
12.	Термин маълум бир тушунчанинг изоҳловчиси эмас, балки номланишидир. Шунинг учун терминологик маънони мантикий изоҳловчи тадқиқотчилар фикрига қўшила олмаймиз.	Алленова Н.А.
13.	Термин таркибида ифодаловчи (signifying) (сўз) ва ифодаланувчи (signified) (тушунча) дан ташкил топган ўзига ҳос тил бирлигидир.	Рондье Г., Пак С.М.
14.	Термин оддий сўздан фарқли ўларок, илмий тушунчани англатувчи тил воситаси бўлиб, унинг маъноси тушунча ёки предмет билан боғлиқ бўлади.	Руделев В.Г.
15.	Термин касбий (профессионал) маънодаги тушунчани ифода этувчи сўздир.	Блох М.Я.
16.	Термин бирор-бир билим соҳасига оид бўлган тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси, терминология эса илм фаннинг бирор-бир соҳаси, масалан, техника, санъат ва х.к. ларда ишлатилувчи терминларнинг мажмуидир.	Азимов Э.Г., Щукин А.Н.
17.	Термин тилдаги махсус мақсадларда ишлатилувчи тилга оид (лексик) бирлик бўлиб, маълум бир билим ёки фаолият доирасидаги аниқ (конкрет) ёки мавҳум (абстракт) бўлган тушунчани ифода этади.	Лейчик ВМ.
18.	Термин маълум семантик тизимга оид фан ёки техника соҳасидаги тушунчани ифода этувчи сўздир.	Вышегуров С.Х.
19.	Терминнинг ўзига ҳос хусусияти, авваламбор, тилдаги иккита тизимга алоқадор бўлиб, булар: биринчиси аниқ бир илмий соҳанинг мантикий–тушуниш тизими (логико-понятийная система) ва иккинчиси умум-адабий тилнинг (общелитературный язык) лексик тизимларидир. Шунингдек, термин касбий мулоқот доирасида ўзининг ахборот бериш (информатив) хусусиятини тўлиғича намоён этиш хусусиятига ҳам эга.	Петрова Е.А.
20.	Термин у ёки бу билим соҳасига оид мутахассислик матнларида ўз ифодасини топувчи сўз ёки сўз	Пушкарёва И.А. Алексеева Л.М.

	бирикмасидир. Термин ва терминоиднинг <sup>3</sup> ўртасида фарк мавжуд. Термин тил белгиси бўлиб, бир тарафдан ўзида махсус (мутахассисликка оид) тушунча ифода этса, иккинчи томондан мазкур билим соҳасида янги тушунчаларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Терминоидлар номенклатура <sup>4</sup> даги лексик бирликлар-профессионализм ва профессионал жаргонлар <sup>5</sup> бўлиб, номинатив (номлаш) вазифасига кўра терминлардан устун ва шу сабабли турли хилдаги мулоқотларда ишлатила олади.	
21.	Термин сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир.	Нишонов П.П.
22.	Термин (лот. Terminus – чек, чегара) фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси.	Ўзбек тилининг изоҳли луғати
23.	Термин муайян фан, саноат соҳаси, қишлоқ хўжалиги, техникадаги тамомила расмий бўлган қонунлаштирилган бирор тушунчанинг ифодаси ва номидир.	Дониёров Р. Қосимов А.
24.	Термин маълум бир қонун-қоидага бўйсундирилган терминологик система таркибида аниқ бир тушунчани билдирадиган ва шу тушунчага тўла мос келадиган сўз ёки ихчам сўз бирикмасидир.	Зокиров Қ.З., Жамолов Ҳ.А.
25.	Термин махсус сўз бўлиб, у ўзининг алоҳида мақсади билан чегараланган ва у шундай сўз ки тушунчани аниқ ва нарсаларнинг номи сифатида бир маъноли бўлишга интилади. Термин шунчаки сўз эмас, балки у “ноодатий” ёки “янги” сўз бўлсин, уни “рационаллаштириш” ва хатто “ўйлаб топиш” мумкин бўлса ҳам, у энг аввало сўздир.	Реформатский А.А.
26.	Термин – мазмунан муайян мантиқий тушунчалар тизимидаги маълум бир бирлик билан шартсиз равишда (мажбуран) нисбатланадиган (қиёсланадиган) сўз. Термин ўз лингвистик табиатига кўра адабий тил луғавий тизимнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бошқа тоифадаги сўзлардан илмий, техникавий ёхуд бошқа касбий тушунчаларни аниқ, ихчам ифодалаши ва ахборотга бойлиги билан ажралиб туради.	Абдуллаева Ш.Н.
27.	Термин (лот. terminus – чегара, йўл қўйиладиган охири меъёр) – билимнинг ёки фаолиятнинг махсус соҳаси тушунчасини билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси.	Қатта энциклопедик луғат.
28.	Термин фан, техника ва бошқа соҳага оид нарс ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси.	Ҳожиев А.

<sup>3</sup> Терминоид — аниқ чегара ва таърифга эга бўлмаган, етарлича шаклланмаган ноаниқ тушунчаларни номлаш учун ишлатиладиган махсус лексема. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Терминоведение>.

<sup>4</sup> Номенклатура (лот. nomenclatura) рўйхат, номлар рўйхати шунингдек фан, техника, ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳасида қўлланиладиган муайян термин

<sup>5</sup> Профессионал жаргон — бир профессионал мақсадда бирлашган одамлар гуруҳида фойдаланилувчи сўзлардир. Булар деярли барча профессионал гуруҳларда мавжуд. Одатда қабул қилинган адабий ва аниқ атамалар узун бўлади ва оғзаки нутқда фойдаланиш учун ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун маълум бир касб эгалари томонидан тез-тез ишлатиладиган тушунчалар ва атамалар соддалаштирилади (қисқаритирилади). Бу ҳолат оддий жараёнга ўхшайди, лекин у ёрдамида шахснинг профессионал гуруҳга мансублигини билдириб оғзаки мулоқотни ва ўзаро тушунишни тезлаштиришга ҳам хизмат қилади. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Жаргон>

	Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга эмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмомол сўзларидан фаркланади.	
29	Термин инвариант (сўз ёки сўз бирикмаси) бўлиб, махсус предмет ёки муайян термин тизимидаги дефиниция билан чегараланган илмий тушунчани ифодалайди.	Котелова Н.З.
30	Термин муайян сўз ёки от негизида тузилган тобе сўз бирикмаси бўлиб, профессионал тушунчани билдиради ва муайян (илмий, техник, ишлаб чиқариш, бошқарув) касб соҳасида мулоқотнинг специфик эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган.	Головин Б.Н.
31	Термин сўз ёки сўзлар мажмуи бўлиб, билим олишнинг (илмий, фан, техника) муайян уюшган соҳасидаги тушунча билан боғланган, бошқа сўзлар ва сўз мажмуалари билан тизим муносабатларга киришади. Улар билан бирга ҳар бир алоқадор ҳолатда ва муайян вақтда ёпиқ тизим ҳосил қилади ҳамда юқори даражадаги ахборотлилик, бир маънолилиқ, аниқлик ва экспрессив жихатдан нейтраллик билан ажралиб туради.	Квитко И.С.
32	Термин махсус соҳада қўлланилувчи сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, у тушунчаларни аниқ ифодалаш учун яратилади ва қўллинади ҳамда дефиниция каби белгиларни қайд этади.	Володина М.Н.
33	Термин – сўз бўлиб, ўрта асрларда “аниқлаш”, “ифодалаш” деган маъноларни билдирган, қадимий француз тилида мавжуд бўлган “terme” лексемаси “сўз” деган маънони ифодалаган.	Шевчук В.Н.
34	Термин фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса хақиқатини тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатиш доираси шу соҳа билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминлар маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан умумистеъмомолдаги сўзлардан фаркланади.	Йўлдошев И., Муҳаммедова С., Шарипова Ў., Мажидова Р.
35	Термин замонавий тушунча тамойилига асосан “ҳад”, “чек” эмас, аксинча муайян соҳаларда (иқтисодиёт, қонунчилик, ҳуқуқ, солиқ, божхона, молия, банк иши, сиёсат, дипломатия) аниқ тушунчани ифода этадиган, махсус вазифа бажарадиган сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, ўзининг семантика нуктаи назаридан махсус соҳа доираси билан чегараланган ҳамда шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлик.	Ахмедов О.С.
36	Термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунча ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва ўртадаги алоқаларни муайян касблар нуктаи назаридан ишлатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир.	Кўчимов Ш.
37	Термин махсус тушунча, ҳолат ёки предмет билан боғлиқ бўлган тил бирлиги (сўз / сўз бирикмаси).	Татаринов В.А.
38	Термин маълум илм-фан соҳаси тизимидаги товуш белгисидан тўрага алоқадор тушунча бирлиги.	Лотте Д.С.
39	Термин илм-фан тараққиётининг маълум даражасида мавжуд бўлган илмий тушунчанинг асосий хусусиятларини аниқ тўлиқ акс эттирадиган махсус терминологик маънога эга бўлган маълум табиий ёки сунъий тил бирлигидир (сўз ёки бирикмаси).	Герд А.С.
40	Термин функция, луғавий бирлик қўлланишининг кўринишидир. Ниманидир ифодалайдиган ва тушунчанинг каторида муайян ўринни эгаллай оладиган ҳар қандай луғавий бирлик термин бўлиши мумкин.	Гак В.Г.
41	Терминология фан, санъат, бизнес ва иқтисод соҳаларида ишлатиладиган махсус сўз.	The World Book Encyclopedia Dictionary.
42	Термин билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига оид тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси.	Мирзаев Н.
43	Термин махсус билим соҳасига оид илмий тушунча ифодаловчи тил белгисидир.	Циткина Ф.А.

44	Термин-тушунча — бу фаннинг (адабиёт ва санъат назари) ёки эстетика) терминологик ва категориал аппарати сана эстетиканинг кенг қамровли ва умумий хусусиятларини ўжамлайди.	Борев Ю.Б.
----	--	------------

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Abilchanova Z.K. Teaching foreign language professionally oriented vocabulary as a means of formation and development students' intercultural communicative competence // Мир педагогики и психологии. — 2017. — № 4 (9). — С. 54-59.
2. Bachman C., Lindenfeld J., Langage et communications sociales / Christian Bachmann, Jacqueline Lindenfeld, Jacky Simonin; préface de Jean-Claude Chevalier. — Paris: Hatier, 1981. — 223 p.
3. Simard Y. Pratique grammaticale et approche communicative // Le français dans le monde, Special: La didactique au quotidien. — Paris, 1995. — pp. 152–161.
4. Van Ek J.A. Objectives for foreign language learning: vol. I: Scope. Vol. II: Levels. — Strasbourg: Council of Europe, 1985 — 86 p.
5. Абдуллаева Ш.Н. Ғазначилик соҳасида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирма тадқиқи (инглиз, ўзбек, рус тиллари мисолида). дисс. ф.ф. бўйича фалсафа доктори PhD. — Тошкент, 2018. — 181б.
6. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. Фан. Док-ри... дисс. — Т., 2016. — Б. 23.
7. Баранова Н.А. Основы формирования дискурсивной компетенции студентов при обучении иноязычному профессионально-ориентированному общению. Дис. ... канд. пед. наук. — Санкт-Петербург, 2008. — 224с.
8. Басова О.В. Обучение профессиональной лексике студентов международных // Вестник современных исследований. — 2017. — № 6-1(9). — С. 51–52.
9. Белл Р.Т. Социоллингвистика: Цели, методы и проблемы / Пер. с англ. В. А. Виноградова. — М.: Международные отношения, 1980. — 318 с.
10. Будагов Р.А. Введение в науку о языке. — М., 1976. — 245 с.
11. Вышегуров С.Х. Терминологическая компетенция как требование профессионального образования // Профессиональное образование в современном мире. — 2012. — №4(7). — С. 89–97.
12. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. — М.: АCADEMA, 2004. — 295 с.
13. Грибан О.Н. Сущность и структура информационной компетентности студентов педагогического вуза // Понятийный аппарат педагогики и образования: сб. науч. тр. / отв. ред. Е. В. Ткаченко, М. А. Галагузова. Вып. 7. — Екатеринбург: СВ-96, 2012. — С. 336–344.
14. Дмитриенко Т.А. Методика преподавания английского языка в вузе. — М.: МЭЛИ, 2009. — 92 с.
15. Ермолаева Ж.Е. Формирование терминологической культуры курсантов и слушателей академии государственной противопожарной службы МЧС России направления подготовки «Пожарная безопасность» // Историческая и социально-образовательная мысль. — 2014. — Том 6, №6, Часть 2. — С.85-88.
16. Ермолаева С.А. Обучение лексике студентов неязыковых вузов / С.А. Ермолаева, Ю.А. Цапасва // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. — 2016. — №3-5. — С. 79-82.
17. Зеер Э.Ф. Понятийно-терминологическое обеспечение компетентностного подхода в профессиональном образовании [Текст] / Э.Ф. Зеер // Понятийный аппарат педагогики и образования: сб. науч. тр. Вып. 5 / Отв. ред. Ткаченко Е.В., Галагузова М.А. — М.: ВЛАДОС, 2007. — 592 с.
18. Исаева Т.Е. Классификация профессионально-личностных компетенций вузовского преподавателя [Текст] // Педагогика. — 2006. — № 9. — С. 55-60.



19. Карпущина Н. М. Лексико-семантические процессы в русской терминологии товарно-денежного обращения: дисс. д-ра фил.наук. — М., 2007. — 393с.
20. Комарова З.И. О сущности термина // Термин и слово. Межвуз. сб-к. — Горький: изд. ГГУ им. Н.И.Лобачевского, 1979. — С. 3–13.
21. Лейчик В.М. Особенности функционирования терминов в тексте // Филологические науки. — М.: Высшая школа. 1990., №3. — С.82.
22. Макушева Ж.Н. Ковалева М.Б. К вопросу о профессионально-ориентированном обучении иностранному языку в медицинском вузе на материале аутентичных текстов по специальности / Макушева Ж.Н., Ковалёва М.Б. // Филологические науки. Вопросы теории и практики. — 2014. — № 2(32). — Ч.1. — С.115–118.
23. Петрова Е.А., Галиева Д.А. Формирование терминологической компетенции в аспекте юриспруденции. Филологические науки. Вопросы теории и практики. — Тамбов: Грамота, 2016. — № 3(57): в 2-х ч. Ч. 2. — С. 123–126. ISSN 1997-2911.)
24. Рахимова Ф.Ш. Формирование лексической компетенции при обучении языку специальности студентов технических вузов / Ф. Ш. Рахимова. — Текст: непосредственный // Педагогика высшей школы. — 2018. — № 2 (12). — С. 20–23.
25. Руденко А.П. Формирование дискурсивной компетенции в системе обучения межкультурной коммуникации. [Текст] / А.П. Руденко // Проблемы романо-германской филологии и методики преподавания иностранных языков: сб. науч. тр. / под ред. С.И. Кайтуковой. — Владикавказ: изд-во СОГУ, 2004. — С. 70-72.
26. Савенкова Л.Б. Пословица, поговорка и поговорка как термины филологии // Филологический вестник Ростовского гос. Университета. — 1997. — № 1. — С. 36-43.
27. Сиземина А.Е. Методика развития лингвистической компетенции студентов лингвистического вуза на основе формирования мотивационной базы обучающихся: автореф. дис. ... канд. пед. наук. — Н. Новгород, 2009. — 22 с.
28. Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам. — М., 2002. — 236 с.
29. Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза. Бюллетень сибирской медицины. — 2013; 12(3):127-131. <https://doi.org/10.20538/1682-0363-2013-3-127-131>.
30. Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза. Бюллетень сибирской медицины. — 2013; 12(3):127-131. <https://doi.org/10.20538/1682-0363-2013-3-127-131>.
31. Талызина Н.Ф. Педагогическая психология. Учебное пособие для студентов средних педагогических заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 1998. — 288 с.
32. Туманян Э.Г. О методе изучения языка как социолингвистической архисистемы // Методы социолингвистических исследований. — М.: Ин-т языкознания РАН, 1995. — 313 с.
33. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат Таълим Стандартлари // Халқ таълими илмий-методик журнал. — 4-сон. — 2013. — Б. 4-32.
34. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно ориентированного образования // Народное образование. — 2003. — № 2. — С. 58–64.
35. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно ориентированного образования // Народное образование. — 2003. — № 2. — С. 58–64.
36. Хуторской А.В. Определение общепредметного содержания и ключевых компетенций как характеристика нового подхода к конструированию

- образовательных стандартов // Интернет-журнал «Эйдос». — 2002. — URL: <http://www.eidos.ru/journal/2002/0423.htm> (дата обращения: 20.06.2016).
37. Шамов А.Н. Лексические навыки устной речи и чтения — основа семантической компетенции обучаемых // Иностранные языки в школе. — 2007. — № 4. — С. 19–21.
38. Шермазанова С.В. Формирование коммуникативной компетенции при обучении иностранному языку в неязыковом вузе // Современные наукоемкие технологии. — 2010. — № 12. — С. 103–104.
39. Щеглова Н.В. Формирование коммуникативной компетенции в процессе обучения иностранным языкам // Историческая и социально-образовательная мысль. — 2011. — № 4. — С. 105–107.
40. Эргашева Г.К. Рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. док-ри... дисс. — Тошкент, 2018. — 141 б.

### References

1. Abilchanova Z.K. *Mir pedagogiki i psikhologii*, 2017, No. 4 (9), pp. 54-59.
2. Bachman C., Lindenfeld J., *Langage et communications sociales*, Paris: Hatier, 1981, 223 p.
3. Simard Y. *Le fransais dans le monde, Special: La didactique au quotidien*, Paris, 1995, pp. 152–161.
4. Van Ek J.A. *Objectives for foreign language learning: vol. I: Scope. Vol. II: Levels*, Strasbourg: Council of Europe, 1985, 86 p.
5. Abdullaeva Sh.N. *Gaznachilik sohasida kullaniladigan moliyaviy-iktisodii terminlarning chogishtirma tadviki (ingliz, uzbek, rus tillari misolida)* (Investigation of financial and economic terms used in the field of Treasury (example of English, Uzbek, Russian)), candidate's thesis, Tashkent, 2018, 181 p.
6. Akhmedov O.S. *Ingliz va uzbek tillarida solik-bozhhkhona terminlarining lingvistik tahlili va tarzhima muammolari* (Linguistic analysis and translation problems of tax-duty terms in English and Uzbek), Extended abstract of Doctor's thesis, Tashkent, 2016, 23 p.
7. Baranova N.A. *Osnovy formirovaniya diskursivnoi kompetentsii studentov pri obuchenii inoyazychnomu professional'no-orientirovannomu obshcheniyu* (Fundamentals of the formation of discursive competence of students in teaching foreign language professionally-oriented communication), Extended abstract of candidate's thesis, Sankt-Peterburg, 2008, 224 p.
8. Basova O.V. *Vestnik sovremennykh issledovaniy*, 2017, No. 6-1(9), pp. 51–52.
9. Bell R.T. *Sotsiolingvistika: Tseli, metody i problemy* (Sociolinguistics: Goals, methods and problems), Moscow: Mezhdunarodnye otnosheniya, 1980, 318 p.
10. Budagov R.A. *Vvedenie v nauku o yazyke* (Introduction to the science of Language), Moscow, 1976, 245 p.
11. Vyshegurov S.Kh. *Professional'noe obrazovanie v sovremennom mire*, 2012, No. 4(7), pp. 89–97.
12. Gal'skova N.D., Gez N.I. *Teoriya obucheniya inostrannym yazykam. Lingvodidaktika i metodika* (Theory of teaching foreign languages. Linguodidactics and methodology), Moscow: ACADEMA, 2004, 295 p.
13. Griban O.N. *Ponyatiinyi apparat pedagogiki i obrazovaniya: sb. nauch. tr.* (Conceptual apparatus of pedagogy and education: collection of scientific tr.), ussue 7, Ekaterinburg: SV-96, 2012, pp. 336–344.
14. Dmitrienko T.A. *Metodika prepodavaniya angliiskogo yazyka v vuze* (Methods of teaching English at the university), Moscow: MELI, 2009, 92 p.
15. Ermolaeva Zh.E. *Istoricheskaya i sotsial'no-obrazovatel'naya mysl'*, 2014, No. 6 (2), pp. 85–88.
16. Ermolaeva S.A. *Aktual'nye problemy gumanitarnykh i estestvennykh nauk*, 2016, No. 3–5, pp. 79–82.
17. Zeer E.F. *Ponyatiino-terminologicheskoe obespechenie kompetentnostnogo podkhoda v professional'nom obrazovanii* (Conceptual and terminological support

- of the competence approach in vocational education), Moscow: VLADOS, 2007, 592 p.
18. Isaeva T.E. *Pedagogika*, 2006, No. 9, pp. 55–60.
19. Karpukhina N. M. *Leksiko-semanticheskie protsessy v russkoi terminologii tovarno-denezhnogo obrashcheniya* (Lexical and semantic processes in the Russian terminology of commodity-money circulation): Doctor's thesis, Moscow, 2007, 393 p.
20. Komarova Z.I. *Termin i slovo* (Term and word), Gor'kii: izd. GGU im. N.I.Lobachevskogo, 1979, pp. 3–13.
21. Leichik V.M. *Filologicheskie nauki*, Moscow: Vysshaya shkola, 1990, No. 3, pp. 82.
22. Makusheva Zh.N., Kovaleva M.B. *Filologicheskie nauki. Voprosy teo-rii i praktiki*, 2014, No. 2(32), pp.115–118.
23. Petrova E.A., Galieva D.A. *Filologicheskie nauki. Voprosy teorii i praktiki*, Tambov: Gramota, 2016, No. 3(57), pp. 123–126.
24. Rakhimova F.Sh. *Pedagogika vysshei shkoly*, 2018, No. 2 (12), pp. 20–23.
25. Rudenko A.P. *Problemy romano-germanskoi filologii i metodiki prepodavaniya inostrannykh yazykov* (Formation of lexical competence in teaching the specialty language to students of technical universities), Vladikavkaz: SOGU, 2004, pp. 70–72.
26. Savenkova L.B. *Filologicheskii vestnik Rostovskogo gos. Universiteta*, 1997, No. 1, pp. 36–43.
27. Sizemina A.E. *Metodika razvitiya lingvisticheskoi kompetentsii studentov lingvisticheskogo vuza na osnove formirovaniya motivatsionnoi bazy obuchayushchikhsya* (Methodology for the development of linguistic competence of students of a linguistic university based on the formation of a motivational base of students): Extended abstract of candidate's thesis, N. Novgorod, 2009, 22 p.
28. Solovova E.N. *Metodika obucheniya inostrannym yazykam* (Methods of teaching foreign languages), Moscow, 2002, 236 p.
29. Starodubtseva O.G. *Leksicheskaya kompetentsiya kak yazykovaya osnova professional'no-kommunikativnoi kompetentsii studentov neyazykovogo vuza. Byulleten' sibirskoi meditsiny* (Lexical competence as the linguistic basis of professional and communicative competence of students of a non-linguistic university. Bulletin of Siberian Medicine), 2013; 12(3):127-131. <https://doi.org/10.20538/1682-0363-2013-3-127-131>.
30. Starodubtseva O.G. *Leksicheskaya kompetentsiya kak yazykovaya osnova professional'no-kommunikativnoi kompetentsii studentov neyazykovogo vuza. Byulleten' sibirskoi meditsiny* (Lexical competence as the linguistic basis of professional and communicative competence of students of a non-linguistic university. Bulletin of Siberian Medicine), 2013; 12(3):127-131. <https://doi.org/10.20538/1682-0363-2013-3-127-131>.
31. Talyzina N.F. *Pedagogicheskaya psikhologiya. Uchebnoe posobie dlya studentov srednikh pedagogicheskikh zavedenii* (Pedagogical psychology. Textbook for students of secondary pedagogical institutions), Moscow: Akademiya, 1998, 288 p.
32. Tumanyan E.G. *Methods of sociolinguistic research*, Moscow: RAN, 1995, 313 p.
33. *Khalk ta"limi ilmi-metodik zhurnal*, No. 4, 2013, pp. 4–32.
34. Khutorskoi A.V. *Narodnoe obrazovanie*, 2003, No. 2, pp. 58–64.
35. Khutorskoi A.V. *Narodnoe obrazovanie*, 2003, No. 2, pp. 58–64.
36. Khutorskoi A.V. *Internet-zhurnal «Eidos»*, 2002, available at: <http://www.eidos.ru/journal/2002/0423.htm>
37. Shamov A.N. *Inostrannye yazyki v shkole*, 2007, No. 4, pp. 19–21.
38. Shermazanova S.V. *Sovremennye naukoemkie tekhnologii*, 2010, No. 12, pp. 103–104.
39. Shcheglova N.V. *Istoricheskaya i sotsial'no-obrazovatel'naya mysl'*, 2011, No. 4, pp. 105–107.

40. Ergasheva G.K. *Rus va uzbek tillari psixologiya terminlarining leksik-semantik xususiyatlari* (Lexical-semantic features of the terms of psychology in Russian and Uzbek languages): Extended abstract of Doctor's thesis, Tashkent, 2018, 141 p.